

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Aaskoven, L., (2018) *Budget institutions and taxation. Public Choice*, 174(3-4), pp.335-349.
2. Bonga, W.G., (2021) *Exploring the Impact of Neopatrimonialism Dominance in Africa. Dynamic Research Journals' Journal of Economics & Finance*, Vol. 6(1), pp. 17-23.
3. Costantini, O., (2017) *Political economy of the Stability and Growth Pact. European journal of economics and economic policies: Intervention*, 14(3), pp.333-350.
4. Inyang, W. S. (2013). *The impact of overhead cost budgeting on the annual imprest expenditures of State Ministries, Departments and Agencies (MDAs): A study from Cross River State, Nigeria. International Business Research*, 6(6), 129-142. <https://doi.org/10.5539/ibr.v6n6p129>
5. McCarten, W. J. (2003). *The challenge of fiscal discipline in the Indian states. Fiscal decentralization and the challenge of hard budget constraints*, 249-286.
6. Nunuy, N. A. (2010). *Akuntansi Pemerintah: Implementasi Akuntansi Keuangan Pemerintah Daerah*. Kencana Prenanda Media Group
7. Rigaud, B., & Arsenault, P. É. (2013). *Budget governance in Canada. OECD Journal on Budgeting*, 13(1), 9-30.<https://doi.org/10.1787/budget-13-5k409g59x7r8>
8. Schoburgh, E., & Ryan, R. (Eds.). (2016). *Handbook of Research on Sub-national Governance and Development*. IGI Global.
9. Standring A., (2019) *Relational expertise and the spatial (re) production of austerity: Challenges and opportunities for progressive politics. Environment and Planning C: Politics and Space*, p.2399654419873674.
10. Willoughby, K. G. (2014). *Public budgeting in context: Structure, law, reform and results*. John Wiley & Sons
11. Warren, C. S., Reeve, J.M., & Duchac, J. (2014). *Financial & Managerial Accounting*, 13th. Cengage Learning.



### АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ПУЛ ОҚИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Фозилжонов Иброҳимжон Сотвoldixуја ўғли -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,  
Корпоратив бошқарув факультети  
декан ўринбосари

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a65](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a65)

**Аннотация.** Мазкур мақолада акциядорлик жамиятларининг пул оқими самарадорлигини баҳоловчи мультиликатор кўрсаткичларининг нормаси ҳамда уларни ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Бундан ташқари, корхоналарнинг пул оқими самарадорлигини баҳоловчи мультиликатор кўрсаткичларини мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳолати ва макроиктисодий кўрсаткичлардан келиб чиқиб, мақбул даражаларини белгилашнинг илмий асослари келтириб ўтилган.

**Калилтили сўзлар:** пул оқими, бевосита ва билвосита усул, пул оқимини баҳолаш, мультиликатор кўрсаткичларнинг мақбул даражаси, тўлов қобилияти коэффициенти, Бивера коэффициенти.

### ОСОБЕННОСТИ ОЦЕНКИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДВИЖЕНИЯ ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВ

**Фозилжонов Иброҳимжон Сотвoldixuža ugli -**  
Ташкентского государственного экономического  
университета, заместитель декана  
факультета Корпоративного управления

**Аннотация.** В данной статье описаны нормы мультиликативных показателей, оценивающих эффективность движения денежных средств акционерных обществ, а также особенности их расчета. Кроме того, дана научная основа для определения оптимальных уровней показателей-мультиликаторов, оценивающих эффективность движения денежных средств предприятий, исходя из финансового состояния и макроэкономических показателей акционерных обществ в нашей стране.

**Ключевые слова:** денежный поток, прямой и косвенный метод, оценка денежного потока, оптимальный уровень мультиликативных показателей, коэффициент платежеспособности, коэффициент Бивера.

### SPECIFIC CHARACTERISTICS OF ASSESSMENT INDICATORS OF CASH FLOW EFFICIENCY OF JOINT STOCK COMPANIES

**Foziljonov Ibrokhimjon Sotvoldixuža ugli -**  
Tashkent State University of Economics,  
Deputy dean of the faculty of Corporate governance

**Abstract:** This article describes the norm of multiplier indicators that evaluate the cash flow efficiency of joint-stock companies, as well as the specific features of their calculation. In addition, the scientific basis for determining the optimal levels of multiplier indicators, which evaluate the efficiency of cash flow of enterprises, based on the financial status and macroeconomic indicators of joint-stock companies in our country, is given.

**Keywords:** cash flow, direct and indirect method, estimation of cash flow, optimal level of indicator multiplier, payment capacity coefficient, Biver's coefficient.

**Кириш.** Пул оқимларини таҳлил қилиш нинг бевосита ва билвосита усуллари мавжуд. Бевосита пул оқимлари таҳлили усулида акциядорлик жамиятлари пул маблағларини бизнесга пул киритиш орқали шаклланган пул маблағларини ижобий ва салбий маълумотини кўриб чиқишдан иборат. Мазкур усуlda акциядорлик жамиятига капиталнинг кириши ва чиқиши билан боғлиқ пул оқимини кўрсатади. Шунингдек, жамиятнинг иқтисодий фаолият бўйича нақд пуллари гурухланади. Натижада, ҳисобот даври учун соф пул оқимларини кўрсатувчи маълумотлар шаклланади. Акциядорлик жамиятлари пул оқимларини бошқаришда жамиятнинг асосий фаолиятидан олинган пул оқимлари, молиявий фаолиятидан олинган пул оқимлари ва инвестиция фаолиятидан олинган пул оқимларининг ижобий ва салбийлигига катта эътибор қилиш лозим.

Умуман, пул оқимларини бевосита таҳлил қилиш усули пул оқимларининг кирими ва чиқимини аниқлаш, шунингдек, жорий мажбуриятларни тўлашга етарли маблағ мавдужлиги ва инвестиция қилиш учун қўшимча маблағ мавжудлик имкониятини баҳолаш имконини беради. Жамият фаолиятини ижобий бўлишига соф пул оқими шарт эмас. Бироқ инвестиция фаолияти салбий пул оқим билан характерланади, сабаби узоқ муддатли активларга йирик инвестициялар жалб этилиши ва акциядорлик жамияти ишлаб чиқариши кенгайишини кўрсатади. Аммо акциядорлик жамиятларининг жорий ва молиявий пул оқимлари ижобий бўлиши лозим. Ўз навбатида, жамиятнинг фаолияти ижобийлиги, шунингдек, жамият ўз фаолиятини янада ривожлантиришидан далолат беради. Жумладан, акциядорлик жамиятларининг соф пул оқимларини бевосита усул орқали баҳолаш учун жамият пул оқимларининг самарадорлигини ҳисоблаш лозим.

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Акциядорлик жамиятларининг пул оқимларини бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналиши пул оқимларини режалаштириш ва прогнозлашнинг замонавий метод ва шаклларини жорий этиш ҳисобланади. Бу ўринда пул оқимларини бошқаришнинг асосий вазифаси сифатида пул маблағларининг турлари, ҳажмлари, вақт интерваллари бўйича балансланганлигини таъминлаш ва бошқа муҳим тафсилотларга қаратилади.

Хорижлик иқтисодчи олимлардан Дешоу, Котари ва Уоттслар тадқиқотида пул оқимини прогнозлашда жорий фойданинг келажакдаги пул оқимини прогнозлашга аҳамият бериш кераклигини таъкидлаганлар. Уларнинг фикрича, жорий фойда кредиторлик карзларидаги ўзгаришлар, дебиторлик карзларидаги ўзгаришлар,

товар-моддий захиралардаги ўзгаришлар, амортизация эскиришларининг ўзгаришлари ва бошқа ўз ичига олган пул маблағлари оқимига teng ҳисобланади. Шунингдек, ҳисоб-китоблар фақат дебиторлик қарзларидаги ўзгаришларни, товар-моддий захиралардаги ўзгаришларни ва кредиторлик қарзларидаги ўзгаришларни ўз ичига олади, бу эса ўз навбатида, айланма маблағлар ўзгаришига эквивалент бўлиб, бироқ амортизация каби узоқ муддатли ҳисоб-китоблар ҳисобга олинмайди[1].

Жумладан, бошқа хорижлик иқтисодчи олимлар нақд пул оқимининг таркибий қисмларини асосий ва асосий бўлмаган қисмларга бўлишди. Натижада келажақдаги пул оқимларини аниқлаш учун уларнинг барқарорлигини таҳлил қилди. Тадқиқотда пул оқимининг асосий таркибий қисмлари сифатида кўйидагиларни белгилаганлар: сотиш, сотилган маҳсулот таннархи, операцион ва маъмурий харажатлар. Нақд пул оқимининг асосий бўлмаган таркибий қисмлари фоизлар, солиқлар ва бошқаларни эътиборга олган[2].

Бундан ташқари, Орпурт ва Зангларининг тадқиқотида пул маблағларининг таркибий қисмларини билвосита усуlda баҳолаш орқали бевосита пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда ошкор қилинган элементлардан фойдаланиш муҳимми ёки муҳим эмаслигини ўрганганлар. Улар прогнозлаш моделлар хатоликларни статистик аҳамиятини ўрганадилар, ҳисобланган пул элементлари ва уларнинг регрессия моделида ёритиб берилган маълумотлар ўртасидаги хатолик мавжудлигини аниқладилар. Уларнинг натижалари кўрсатадики, хатолик атамаларининг коэффициентлари статистик аҳамиятга эга, шунинг учун артикуляция хатолари пул оқимларини прогнозлаш учун қўшимча маълумотларга эга. Бу эса шуни назарда тутадики, бевосита пул оқимлари усули билвосита пул оқимларини прогнозлашда кўпроқ маълумот беради[3].

Сўнгги йилларда хорижлик иқтисодчи олимлар пул оқимларини прогнозлашда таъсир этувчи омиллар хусусида тадқиқот олиб борганлар. Акциядорлик жамиятларида даромадларни бошқаришда ихтиёрий тўловлар ва операцион харажатлар ортиб кетиши пул оқимларини прогнозлашга таъсир қиласди. Бадершер тадқиқотига кўра, акциядорлик жамиятининг молиявий менежерлари капитал қийматини сақлаб қолиш учун бошқарув воситаси сифатида жамиятнинг ҳақиқий мавқеини яшириш учун ихтиёрий ҳисоб-китоблардан фойдаланадилар. Шунингдек, маълумот сифатида қўлланилувчи манипуляция қилинган ҳисоботлар уларнинг

пул оқимларини прогнозлаш қобилиятини пасайтиради.

Бундан ташқари, менежерлар акциядорлик жамиятини келажаги бүйича ўзларининг ҳақиқий қарашларини намойиш қилиш учун ихтиёрий ҳисоб-китоблардан фойдаланиши мумкин. Бундай вазиятда раҳбариятнинг ихтиёрий тўловлар бүйича ҳисботлари келажакдаги пул оқимларини яхшироқ прогнозлаш имкониятини яратади. Натижада ихтиёрий ҳисоб-китоблар пул оқими прогнозини яхшилаши ёки салбий таъсир кўрсатиши молиявий менежерларни манипуляция қилиш мотивациясига боғлиқ ҳисобланади[4].

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан бири С. Элмирзаев тадқиқотига кўра, “Акциядорлик жамиятларини қисқа муддатли молиявий режалаштиришини амалга ошириш асосан жамиятнинг келажакдаги пул оқимларини прогнозлашдан иборат. Шунингдек, акциядорлик жамиятларини ҳар бир давр учун ортиқча маблағларга эга бўлиши ва маблағлар етишмаслигини аниқлаш учун жамият пул маблағлари прогнозини амалга оширади. Шунингдек, пул маблағларининг вақт бўйича қиймати концепциясидан келиб чиқсан ҳолда пул оқимлари тавсифини белгилаш акциядорлик жамиятининг молиявий хўжалик фаолиятини ажралмас қисми бўлган турли хил молиявий активлар билан операциялар самарадорлигини таҳлил қилиш лозимлиги таъкидлаганлар[5].

Фикримизча, акциядорлик жамиятлари пул оқимни прогнозлашда жамиятларнинг маҳсулот сотишдан тушган тушумларини аниқ прогнозини амалга ошириш лозим. Шунингдек, харажатлар таркиби ҳисобланган кредиторлик карзларидаги ўзгаришлар, дебиторлик қарзларидаги ўзгаришлар, товар-моддий захиралардаги ўзгаришлар, амортизация эскиришларини инобатга олиши лозим ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Акциядорлик жамиятларининг пул оқимлари самарадорлигини баҳоловчи мультиплікатор кўрсаткичлар ҳисобланган тўлов қобилияти коэффициенти, мажбуриятларини бажариш учун жорий фаолиятидан олинган пул маблағлари етарлиги коэффициенти, Бивера коэффициенти, соф фойдадан қисқа муддатли мажбуриятларини қоплаш коэффициенти ҳамда соф пул оқимларининг етарлилик коэффициентларини ҳисоблашни қўйидаги формуласардан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш амалга оширилган.

1. Акциядорлик жамиятининг тўлов қобилияти коэффициенти:

$$K_{\text{тқ}} = (\text{ПО}_{\text{йил боши}} + \text{ПО}_{\text{кирими}}) : \text{ПО}_{\text{чиқими}}$$

Бу ерда:

**ПО<sub>йил боши</sub>** – йил бошидаги пул оқими;

**ПО<sub>кирими</sub>** – ҳисботот давридаги пул тушуми;  
**ПО<sub>чиқими</sub>** – ҳисботот давридаги пул чиқими.

Тўлов қобилияти коэффициентининг меъёрий қийматлари 0,5 - 0,7 оралиғи ҳисобланади. Ушбу қиймат акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати барқарорлигини кўрсатади. Агар коэффициентнинг қиймати кўрсатилган оралиқдан пастроқ бўлса, акциядорлик жамиятларига ташқи манбалардан маблағ жалб қилиш зарурлиги тушунилади. Агар коэффициент қиймати бирдан ошса, жамиятнинг тўловга қобилияти мавжудлигини кўрсатади.

2. Акциядорлик жамиятларининг мажбуриятларини бажариш учун жорий фаолиятидан олинган пул маблағлари етарлиги коэффициенти қўйидагича аниқланади:

$$\Pi_M = \frac{\text{СП}_{\text{жорий}}}{M_M}$$

Бу ерда:

**СП<sub>жорий</sub>** – жорий фаолиятдан соф пул оқими;

**M<sub>M</sub>** – молиявий фаолиятдаги пул маблағлари.

Бевосита пул оқимлари таҳлилиниң асосий камчилиги акциядорлик жамиятининг молиявий натижаси ва унинг капитали ўзгариши ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб бера олмайди. Шунингдек, пул оқимини ушбу баҳолаш усули бошқа усуулларга нисбатан анча вақт талаб қиласидиган усул ҳисобланди. Жумладан, бевосита пул оқимлари таҳлил қилиш усули молиявий натижалар ва баланс ҳисботлари маълумотларидан фойдаланган ҳолда ҳисботот давридаги соф пул оқимларини ҳисоблаш имкониятини беради. Бевосита пул оқимлари таҳлили усули акциядорлик жамиятининг фаолиятини молиялаштиришнинг ички манбаларини қанчалик етарли эканлигини кўрсатади. Шунингдек, жамият фаолиятининг салбий тенденцияларини ўз вақтида аниқлаш ва салбий оқибатларининг олдини олиш учун ўз вақтида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятини беради.

3. Акциядорлик жамиятларининг соф пул оқимини баҳолашнинг билвосита усули ҳам мавжуд бўлиб, мазкур усулда қўйидаги коэффициентлардан фойдаланилади. Ушбу коэффициентлардан бири Бивера коэффициенти ҳисобланади:

$$K_{\text{бив}} = \frac{\text{СФ} + \mathcal{Э}}{\sqrt{\mathcal{УЗ} + \text{КМ}}}$$

Бу ерда:

**СФ** – ҳисботот давридаги соф фойда;

**Э** – ҳисботот давридаги эскириш суммаси;

**УЗ** – узоқ муддатли мажбуриятларнинг ўртача суммаси;

**КМ** – қисқа муддатли мажбуриятларни ўртача суммаси.

Бивера коэффициентининг меъёрий нормаси 0,4-0,47 ни ташкил этади. Мазкур коэффициент акциядорлик жамиятининг соф фойдаси билан мажбуриятлар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади.

4. Акциядорлик жамиятларининг соф фойдасидан қисқа муддатли мажбуриятларини қоплаш коэффициенти қуидаги формула билан ифодаланади:

$$K_{\text{коп}} = \frac{C\Phi + \mathcal{E}}{U\mathcal{KM}}$$

Бу ерда:

$C\Phi$  – ҳисобот давридаги соф фойда;

$\mathcal{E}$  – ҳисобот давридаги эскириш суммаси;

$U\mathcal{KM}$  – қисқа муддатли мажбуриятларнинг ўртача суммаси.

5. Бундан ташқари, амалиётда акциядорлик жамиятларининг пул оқимларини таҳлил қилишда умумлаштирилган кўрсаткичлар қўлланилади. Жумладан, соф пул оқимларининг етарлилик коэффициенти формуласи қуидагича ифодаланади:

$$K_{\text{СПО}} = \frac{\text{СПО}}{U\mathcal{KM} + \Delta\text{ТМ} + \Delta}$$

Бу ерда:

СПО – ҳисобот давридаги соф пул оқими;

$U\mathcal{KM}$  – ҳисобот давридаги узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича тўлов;

$\Delta\text{ТМ}$  – ҳисобот давридаги товар-моддий захиралар ўзгариши;

$\Delta$  – ҳисобот давридаги акциядорлик жамиятининг дивиденд тўловлари.

Ушбу коэффициент  $K_{\text{СПО}} \geq 1$  бўлса, акциядорлик жамияти ўз фаолиятини молиялашти-

ришда ўз маблағлари манбалари тўлиқ етарли эканлигини англаради. Агар мазкур коэффициент  $K_{\text{СПО}} < 1$  бўлса, акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиялаштириш учун ўз маблағлари етарли эмаслигини кўрсатади. Бу эса, акциядорлик жамиятнинг фаолиятини молиялаштиришда ташқи манбалар эвазига молиялаштиришга олиб келади.

Шунингдек, пул оқимларининг самара-дорлик коэффициенти қуидаги формулада ўз аксини топган:

$$K_{\text{ПОС}} = \frac{\text{СПО}}{\text{ПО}_{\text{чиқишиш}}}$$

Бу ерда:

СПО – ҳисобот давридаги соф пул оқими;

$\text{ПО}_{\text{чиқишиш}}$  – ҳисобот давридаги пул оқимлари чиқиши.

**Таҳлили ва натижалар.** Пул оқимлари самара-дорлигини баҳоловчи мультиплікатор кўрсаткичлар ҳисобланган тўлов қобилияти коэффициенти, мажбуриятларини бажариш учун жорий фаолиятидан олинган пул маблағлари етарлиги коэффициенти, Бивера коэффициенти, соф фойдадан қисқа муддатли мажбуриятларини қоплаш коэффициенти ҳамда соф пул оқимларининг етарлилик коэффициентларини мамлакатимизда фаолият юритаётган “Андижондонмаҳсулот” акциядорлик жамиятининг 2017 йилдан 2021 йилга қадар бўлган молиявий кўрсаткичларидан фойдаланиб, таҳлилини амалга оширамиз.

#### 1-жадвал

“Андижондонмаҳсулот” АЖнинг пул оқимлари динамикаси, млрд.сўмда[6]

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Операцион фаолиятдан соф пул оқимлари кирими/чиқими	28,2	44,8	62,8	30,4	13,1
Инвестиция фаолиятидан соф пул оқимлари кирими/чиқими	(9,1)	(7,6)	(0,2)	(0,8)	-
Молиявий фаолиятдан соф пул оқимлари кирими/чиқими	(2,6)	(5,7)	(5,1)	(4,8)	3,5
Жами тўланган соликлар	8,5	34,9	60,7	25,5	13,7
Молиявий-хўжалик фаолиятининг соф пул оқими кирими/чиқими	8,0	(3,4)	(3,2)	(0,7)	2,9
Йил бошидаги пул маблағлари	0,2	8,2	4,8	1,6	0,9
Йил охиридаги пул маблағлари	8,2	4,8	1,6	0,9	3,8

Жадвал маълумотларига кўра, “Андижондонмаҳсулот” АЖнинг 2017 йилдаги йил охиридаги пул оқими 8,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда деярли 2,2 баробарга камай-ганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий сабаби операцион фаолиятдан соф пул оқимлари кирими 2017 йилда 28,2 млрд. сўмга етган бўлса, 2021 йилда 13,1 млрд. сўмни ташкил этган. Шунингдек, операцион фаолиятдан соф пул оқимлари кирими тушиб кетишига материал, товар, иш ва хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари чиқими кескин ортиб кетганлиги ҳисобланади.

Хусасан, 2021 йилда 2017 йилга нисбатан деярли 3,3 баробарга ошиб кетган. Акциядорлик жамиятининг инвестиция фаолиятидан соф пул оқимлари таҳлилида эса, 2017 йилда 9,1 млрд. сўм чиқим бўлган бўлса, 2021 йилга келиб ноль сўмни ташкил этган.

Бундан кўриниб турибдики, узоқ муддатли инвестициялар билан бўладиган жараёнлар амалга оширилмаган. 2017 йилда эса 9,1 млрд. сўмлик асосий восита сотиб олинган. 2017 йилда 2,6 млрд. сўм молиявий фаолиятдан соф пул оқимлари чиқим бўлган, 2021 йилда 3,5 млрд. сўм молиявий фаолиятдан соф пул оқимидан

кирим бўлган. Сабаби, 2017 йилда узоқ ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари молиявий фаолиятидан соф пул оқимининг киримидан чиқими кўп. 2021 йилда эса узоқ ва қисқа муддатли кредит бўйича пул тушумлари 11,6 млрд. сўм бўлса, чиқими эса 11,5 млрд. сўмни ташкил этган.

Акциядорлик жамиятининг тўланган солиқларини таҳлил қилсақ, 2017 йилда 8,5 млрд. сўмни ташкил этган, бироқ ушбу кўрсаткич 2021 йилда 13,7 млрд. сўмга етган. Бироқ акциядорлик жамияти молиявий-хўжалик фаолиятининг соф пул оқими салбий бўлишига асосан тўланган солиқлар ҳажми юқори бўлганлиги сабаб бўлганлигини кўришимиз мумкин. Айтиш

жоизки, “Андижондонмаҳсулот” АЖнинг соф пул оқимларини операцион, инвестиция ва молиявий фаолиятидан олинган соф пул оқимлари бўйича таҳлили шуни кўрстадики, жамиятнинг соф пул оқими камайишига инвестиция ва молиявий фаолиятидан олинган пул оқимларининг чиқими йилдан-йилга ўсиб борганлиги ҳисобланади. Шунингдек, тўланган солиқлар ҳажми эса, молиявий-хўжалик фаолиятининг соф пул чиқими ортишига олиб келмоқда.

“Андижондонмаҳсулот” АЖда пул оқимларининг кийматларидан келиб чиқиб, соф пул самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар таҳлилини 2-жадвалда кўришимиз мумкин.

## 2-жадвал

### “Андижондонмаҳсулот” АЖнинг соф пул самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар таҳлили

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
$K_{tk}$	0,70	0,35	0,3	0,16	0,31
$\Pi_m$	3,13	0,82	0,31	0,18	1,07
Бивера коэффициенти	0,05	-0,16	0,08	0,12	0,20
$K_{kop}$	0,28	-0,30	0,12	0,13	0,22
$K_{spo}$	-1,26	-0,15	0,07	0,02	0,30

**Манба:** “Андижондонмаҳсулот” АЖнинг пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботига асосан муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

Жадвал таҳлили маълумотларидан “Андижондонмаҳсулот” АЖнинг соф пул самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар ҳисобланаган тўлов қобилияти ( $K_{tk}$ ) коэффициенти 2017 йилда 0,70 ни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 0,31 га етганлигини кўриш мумкин. Бизнинг тадқиқот натижаларимизга кўра, мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳолати ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичлардан келиб чиқиб, корхоналарнинг тўлов қобилияти коэффициенти меъёрий қийматлари  $K_{tk} \geq 0,4$  бўлиши лозим.

Таҳлилимиздан кўриниб турибдики, тўлов қобилияти коэффициентининг меъёрий қиймати бирдан паст. Бу эса ўз навбатида, “Андижондонмаҳсулот” АЖнинг тўлов қобилияти паст эканлиги ва ўз фаолиятини ривожлантиришга маблағ етарли эмаслигидан далолат беради.

Акциядорлик жамиятининг мажбуриятларини бажариш учун соф пул маблағлари етарлиги ( $\Pi_m$ ) коэффициенти 2017 йилда 3,13 бандни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 1,07 бандга етганлигини кўрсатади. Ушбу коэффициентининг бирдан катта бўлиши жамиятнинг операцион фаолиятидан олинган соф пул оқими молиявий мажбуриятларини бажариш, хусусан, молиявий фаолият билан боғлиқ фоиз кўринишидаги тўловларни ташки манбалар орқали пул жалб этмай тўлаш қобилиятини кўрсатади.

Жумладан, “Андижондонмаҳсулот” АЖнинг таҳлилидан кўриниб турибдики, акциядорлик жамиятининг охирги йилда мажбуриятларини бажариш учун соф пул маблағлари етарлиги коэффициенти бирдан юқори экан. Шунингдек, Бивера коэффициенти 2017 йилда 0,05 ни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 0,20 ни ташкил этди.

Мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳолати ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичлардан келиб чиқиб, бивера коэффициентининг меъёрий нормаси 0,17-0,4 ни ташкил этади. Агар коэффициент қиймати кўрсатилган оралиқда бўлса, акциядорлик жамияти молиявий барқарор ҳисобланади. Агар коэффициент қиймати -0,15 дан 0,17 оралиқда бўлса, акциядорлик жамиятнинг банкротлигига беш йил қолганлигини кўрсатади. Агар коэффициент қиймати -0,17 дан кичкина бўлса, акциядорлик жамиятнинг банкротлигига бир йил қолганлигини кўрсатади. Бизнинг таҳлилимизда “Андижондонмаҳсулот” АЖнинг Бивера коэффициенти 2021 йилда 0,20 ни кўрсатади.

Ўз навбатида, “Андижондонмаҳсулот” АЖнинг молиявий ҳолати барқарорлигидан далолат беради. Соф фойдани қисқа муддатли мажбуриятларини қоплаш ( $K_{kop}$ ) коэффициенти 2017 йилда 0,28 бандни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 0,22 ни ташкил этганлигини кўрсатади. Ушбу коэффициент  $K_{kop} \geq 1$  бўлса, акция-

дорлик жамияти ўз фаолиятини молиялаштиришда ўз маблағлари манбалари түлиқ етарли эканлигини англатади. Агар мазкур коэффициент  $K_{\text{коп}} < 1$  бўлса, акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиялаштириш учун ўз маблағлари етарли эмаслигини кўрсатади.

Бу эса акциядорлик жамияти фаолиятини молиялаштиришда ташқи манбалар эвазига молиялаштиришга олиб келади. Бундан қўриниб турибдики, акциядорлик жамиятининг соф фойдаси қисқа мажбуриятларини деярли 30 фоизга қоплаш қобилиятига эга. Соф пул оқимларининг етарлиги ( $K_{\text{спо}}$ ) коэффициенти 2017 йилда -1,26 бандни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 0,30 бандга кўтарилганини қўришимиз мумкин. Ушбу коэффициентнинг меъёрий қиймати бирдан катта бўлиши лозим.

Хусусан, мазкур коэффициент акциядорлик жамиятининг соф пул оқими узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятларни қай даражада қоплашини кўрсатади. Хулоса қилганда, "Андижондонмаҳсулот" АЖнинг тўлов қобилияти охирги йиллар пасайтанлигини соф пул оқимлари пасайтанлиги билан изоҳланади. Жамиятнинг йиллар кесимидағи таҳлили кўрсатадики, охирги йилларда самарадорлик кўрсаткичлари пасайиш тенденциясига эга.

Умуман, акциядорлик жамиятининг соф пул оқимлари самарадорлигига баҳо берадиган бўлса, тўлов қобилияти коэффициенти, мажбуриятларини бажариш учун соф пул маблағлари етарлиги коэффициенти, Бивера коэффициенти, соф фойдани қисқа муддатли мажбуриятларини

қоплаш коэффициенти ва соф пул оқимларининг етарлиги коэффициенти қиймати меъёрий қийматдан пастлигини кўришимиз мумкин. Акциядорлик жамияти соф пул оқимларининг самарадорлиги пастлигини кўрсатади.

**Хулоса ва таклифлар.** Ривожланган мамлакатларда акциядорлик жамиятларининг соф пул оқимларини бевосита усул орқали баҳолаш учун жамиятнинг пул оқимлари самарадорлиги коэффициентларидан кенг фойдаланилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги "Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида"ги 207-сонли қарорида ҳам юқорида кўрсатилган коэффициентлар мавжуд, шу боисдан акциядорлик жамияти самарадорлигини баҳолашда пул оқимлари самарадорлиги коэффициентларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, акциядорлик жамиятларининг пул оқимларини аниқлашда пул оқимларини бевосита усул орқали жамиятнинг соф пул оқимлари самарадорлигини баҳолаш акциядорлик жамиятининг пул оқимлари самарадорлигига баҳо бериш, тўлов қобилиятини аниқлаш, соф пул оқимларининг инвестицион фаолиятини молиялаштиришга етарлилиги, соф фойдани мажбуриятларини қоплаш даражасини аниқлашга имконият беради.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Dechow P., Kothari S., Watts R.L. 1998. *The relation between earnings and cash flows*. J. Account. Econ. 25, 133–168.
2. Cheng C., Hollie D., 2008. *Do core and non-core cash flows from operations persist differentially in predicting future cash flows?* Rev. Quant. Finance Account. 31, 29-53.
3. Orpurt S., Zang Y., 2009. *Do direct cash flow disclosures help predict future operating cash flows and earnings?* Account. Rev. 84, 893-935.
4. Badertscher B.A., Phillips J.D., Pincus M., Rego S.O. 2009. *Earnings management strategies and the trade-off between tax benefits and detection risk: to conform or not to conform?* Account. Rev. 84, 63-97.
5. Elmirzayev S. *Korporativ moliya. Darslik.* – T.: Iqtisod-Moliya, 2019, 371 b.
6. "Андижондонмаҳсулот" акциядорлик жамиятининг пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботлари.
7. Luehrman T.A. (1998, July). *Investment Opportunities as Real Options*. Harvard Business Review, 51-67.
8. Chen, Mark T, P.E., C.C.E. 2007, "ABC of Cash Flow Projections", AACE International Transactions, pp. PM21-PM25.
9. Yun Li, Luiz Moutinho, Kwaku K. Opong, Yang Pang. 2014 "Cash flow forecast for South African firms" *Review of Development Finance*, Volume 5, Issue 1, June 2015, Pages 24-33.
10. Jury, T. 2012, *Wiley Finance: Cash Flow Analysis and Forecasting: The Definitive Guide to Understanding and Using Published Cash Flow Data (2nd Edition)*, John Wiley & Sons, Hoboken, NJ, USA. Available from: ProQuest ebrary.
11. Rajendra, R 2013, *Handbook of Global Corporate Treasury*, John Wiley & Sons, Somerset, NJ, USA. Available from: ProQuest ebrary.
12. Bragg, SM 2010, *Treasury Management: The Practitioner's Guide*, John Wiley & Sons, Hoboken, NJ, USA. Available from: ProQuest ebrary.